



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

«Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтаемиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишни орзу қилиши яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам».

• 2009-йил • 2-йун • Seshanba • 66 (29.027) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

## ЎзХДП ҳаёти



## ҲАР ҚАНДАЙ ТАҲДИДГА ҚАРШИ

### КУРАШИШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози анча-мунча давлатларни довлдиратиб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонда унинг таъсири қандайдир, оқибатларнинг олдини олиш борасида чора-тадбирлар изчил амалга ошириллапти.

Сергели туман ҳокимлигида Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, маънавият тарғибот маркази ҳамкорликда ташкил эт-

ган давра суҳбатиде бу ҳақда батафсил сўз юритилди. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», деб номланган тадбирда, шунингдек, диний экстремизм хавфи, ақидапарастликка қарши курашиш борасида олиб борилган кенг қўламли ишлар хусусида фикр юритилди.

Тумандаги молия, солиқ, банк тизими ҳо-

кўйилгани билан бево-сита боғлиқ.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартаф этишининг йўллари ва чо-раларига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этган хорижий етакчи олимлар, мутахас-сислар ва экспертлар мамлакатимиз тараққи-тининг ишончли йўлдан бораётганини таъкидла-дилар.

Шунингдек, Тошкент молия институти молия-вий таҳмин кафедраси му-дири Бунёд Ҳақимов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг са-баблари, дунё тарихида юз берган инқирозлар, уларнинг оқибатлари юзасидан мулоҳазалар билдирди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Вазирлар Мах-камаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитан-инг бўлим мудири Му-ҳаммадбобур Йўлдошев, тумандаги «Маъруфота-жомеъ масжиди имом ха-тиби Икромжон Ботиров ёш авлодни турли диний оқимлар таъсиридан ас-раш каби масалаларга тўхталдилар. Иштирок-чилар эътиборига бу мавзуни қамраб олган фильм намойиш этилди.

Асли КАМОЛ. Абдвоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ

### ХАЛҚИМИЗНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЧОҒИДА ФИДОЙИЛИК ВА МАРДЛИК НАМУНАСINI КЎРСАТГАН ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикаимизнинг миллий хавф-сизлигини таъминлаш, жамоат тарти-бини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидоийлиги, мард-лиги ҳамда шахсий таркиб ўртасида жанговар, сиёсий тайёргарликни оши-ришда эришган ютуқлари учун қуйи-дагилар мукофотлансин:

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**  
Нурбаев Ўткирбек Юлдашалиевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Хукукбузарликларни олдини олиш гу-руҳи профилактика инспектори  
Холмирзаев Бахтиёр Авазбекович (мархум) — Андижон вилояти ИИБ йўл

ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Алоҳида йўл-патруль хизмати отряди катта инспектори

«Жасорат» медали билан  
Маматқулов Исмоилжон Қобулович — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Таъминлаш бўлимидаги стар-шинаси  
Юлдашев Абдукарим Эргашевич — Андижон вилояти Кўргонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро Кўрик-лаш бўлимидаги милиционер

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 1 июнь

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республи-касига ташрифим даво-мида Сиз ва Ўзбекистон халқи томонидан кўрсатилган иззат-иқром ва самимий қабул учун чу-қур миннатдорлик бил-диришга ижозат этгай-сиз. Бутун ташрифим асносида, аэропортдан Самарқанд шаҳригача, мен билан бирга бўлиш имконини топганингиз мени гоят қувонтирди ва уни ҳеч қачон унут-майман. Айниқса, Ис-лом маданиятининг улугвор ва бетакрор та-рихий ёдгорликлари, Амир Темури салтанати руҳини мужассам этган Регистон майдони ва Гўри Амир макбараси ҳақида шахсан ўзингиз сўзлаб берганингиз менда ўчмас таассурот

колдирди. Сизнинг Ўзбекистонни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш бораси-даги фикр ва режаларингиз, айни пайтда Сиз, Жаноби Олийлари-нинг Марказий Осиё ат-рофидаги халқаро вази-ят, Ислам олами мамла-катларининг тарихи ва маданияти ҳақидаги те-ран билим ва қарашла-рингиз Сизга бўлган хур-мат-эҳтиромини янада оширди ва мени гоят ҳаяжонга солди.


Сиз билан бўлиб ўтган учрашув Корёя ва Ўзбе-кистон бир-бирига ҳа-қиқатан ҳам керак бўлган ва тараққий этиш учун мунтазам ҳамкорлик йўлидан доимо бирга-ликда борадиган шерик-лар эканига ишончимни янада мустаҳкамлаш им-

конини берди. Музокара-ларимизда муҳокама қилинган энг асосий қўшма лойиҳаларни му-ваффақиятли амалга ошириш учун келгусида ҳам Сиз билан яқин ҳам-корликни давом эттири-шимизга мен астойдил ишонаман.

Самимий меҳмондор-чилик учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергай-сиз. Сиз, Жаноби Олий-лари, ўзингиз учун қулай вақтда Корёя Республи-касига ташриф буюра-сиз, деб умид қиламан.

Сизга мустаҳкам сийҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикасининг эса доимо гуллаб-яшнашини тилайман.

Ли Мён БАК,  
Корёя Республикаси Президенти



## ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

парламент қўйи палатаси депутатлари орқали амалга оширилади

Ўзбекистон Халқ демократик парти-ясининг номзоди кўрсатилиб, Олий Мах-лис Қонунчилик палатасига 105-Беш-кент сайлов округидан сайланган де-путат Машқура Сафарова сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Учрашув-лар Қарши туманидаги Халқ ташлими бўлимида, Янгибўғ, Таллиқўрон, Қоч-чин қишлоқ фуқаролар йиғинларида, қорхона, ташкилот, ўқув юртлари, тиб-биёт муассасаларида, Қарши шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтди. Депутат сай-ловчилар олдида сўзга чиқиб, мамла-катимизда амалга ошириллаётган ис-лохотлар, инқирозга қарши кўриллаёт-ган чора-тадбирлар, парламент фа-олияти ва бошқа масалалар ҳақида ба-тафсил тўхталди.

— деди у. — Охириг йилларда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси-даги фракцияларининг роли ва аҳамия-ти кундан-кунга кучайиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг электорат манфаатлари-ни инфодаловчи қонун лойиҳалари та-шаббуси билан чиқши борасидаги фа-олиги ошди. Бу, албатта, муҳокама ва қабул қилинаётган қонунларнинг сифа-тига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, парламент қўйи палата-сига 109-Қасби сайлов округидан де-путат Анвар Шукуров Қасби, Муборак, Миришкор туманларида ўз сайловчи-лари билан учрашиб, қишлоқ ва аҳоли-нинг турмуш фаровонлигини яхшилаш-га қаратилган қонун лойиҳалари усти-да иш олиб борилаётгани ҳақида ат-рофлича фикр юритди. Сайловчилар-нинг қонунларни қабул қилиш, тақомил-лаштиришдаги иштироки парламент қўйи палатаси депутатлари орқали бил-восита амалга оширилишини таъкид-лади.

Музаффар ТУРОПОВ

## Хушхабар

Ереван шаҳрида бокс бўйича ўсмир-лар ўртасида ўтказилган жаҳон че-мпionatoида Ўзбекистон терма жамо-си битта олтин ва тўртта бронза медални қўлга киритди.

## БОКСЧИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Саксон килограмми вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Мирзобек Ҳасанов му-тахассислар олқишига сазовор бўлди. Юкори техник ва тактик тайёргарлик, кучли зарбага эга боксчимиз деярли бар-ча жангларни муддатидан олдин якунлади. У финалга қа-дар руминиялик Лика Винсенту Константин, грузия-лик Резо Гогберашвили ва арманистонлик Алекс На-заняни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

Ҳал қилувчи баҳсда Ўзбекистонлик боксчи анча жид-дий рақиб — эквадорлик Итало Переа Кастиллога қарши рингга чиқди. М.Ҳасанов 13:6 ҳисобида за-фар кучди ва жаҳон чемпиони, деган шарафли ном-га сазовор бўлди.

Тўрт нафар боксчимиз — Жавлонбек Эшматов, Бу-ругут Ҳожибоев, Барҳаёт Обидов ҳамда Равшан Абду-назаров бронза медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири

## «КИЧИК ОЛИМПИАДА»НИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ



Гулистон шаҳрида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларининг финал босқичи ақунланди.



Уч кун давом этган баҳсларда юртимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келган 1792 нафар ўғил-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Айниқса, спортнинг жамоавий турла-ри бўйича мусобақаларнинг Олимпия тизимида ўтқа-зилганлиги ҳар бир учрашув-нинг шиддатли кечилишини таъ-минлади.

4-бет

## Луқма

### НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИШ...




2

### НАФС ҚУТҚУСИ



3

### МУЗЕЙДАГИ ЎҒИРЛИК



4



Луқма

НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИШ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

«Хурматли тахририят! Яқинда Чорсу майдонида бўлганимда «ЎзЛиДеП номзодларига овоз беринг!» деган суратли лавҳага кўзим тушди. Шу йилнинг охирида сайловлар бўлишини биланам.



Тахририятдан: Мактубни ўқиб, аввалга хайрон бўлдим. Чиндан ҳам шундай бўлиши мумкинми? Бундан ташқари, тахририятимизга айрим партиядошларимиз кўнгирок қилиб «сайлов кампанияси бошланибди, нега сизларнинг ҳаракатингиз кўринмайди», деган маънода фикрлар ҳам билдиришди.

ғиботни ҳозирдан бошлаб юбордикин?..

Масалага ойдинлик киритиш учун мазкур баннерни шу ерга осиб қўйган «Гранд дизайнер» фирмасига мурожаат қилдик. «Бу ижтимоий реклама сифатида бизга берилган. Уни бир йил илгари осиб қўйганимиз.

Қизиқ, бу ерда аниқ сиёсий партиянинг сайловоти кампанияси тарғиботи ҳақида гап борапти. Бу ижтимоий реклама бўлиши мумкинми? Иккинчидан, ўтган йил ёз ойларида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўшаб қолган ўринлар учун сайловлар ўтказилган эди.

Марказий сайлов комиссиясининг май ойида бўлиб ўтган семинар-кенгашида «2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловоти тадбирлар тарихи ва тузилмаси» эълон қилинди.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни хар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурини кенгайтириш, маънавиятини юксалтириш, қалби ва онига юртпарварлик, фидойилик, Ватан тақдирини унун дахлдорлик ҳиссини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонун ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъи назар барча болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини химоялаш, жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фармацевтика: ислоҳот ва тараққиёт

Республикамизда аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш, сифатсиз тиббий воситалардан муҳофазалаш борасида қандай ишлар қилинган? Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи, фармацевтика фанлари доктори, профессор Ҳабибулла ЖАЛИЛОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Мамлакатимизда инсон саломатлиги, халқимиздаги қарорли тиббий махсулотлар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Халқ саломатлигини муҳофазалашнинг муштахкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бинобарин, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Махсулотларни серти-

да Андижон, Хоразм, Самарқанд, Қарши шаҳарларида марказимизнинг бўлимлари, Тошқарми қошида «DVSIM» МЧЖ ҳамда «SOF DORI» МЧЖ сертификатлаштириш идоралари фаолият қўрсатмоқда.


СЕРТИФИКАТ — ДОРИ СИФАТИГА

сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида», «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида», «Гиеҳвандлик воситалари, психотроп моддалар тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонулар соҳани такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳон бозорига фармацевтика саноати янги-янги дори воситаларини чиқарапти. Шунинг унутмаслик керакки, бу махсулотларнинг истеъмолчиси — инсон. Демак, унинг сифати бевосита жамиятнинг бойлиги — аҳоли саломатлигига таъсир қилади.

Юртимизга олиб келинаётган ҳамда республикамизда ишлаб чиқилаётган дори воситалари улар томонидан тўлиқ сифат таъминидан ўтказилиб, мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилмоқда.

— Маълумки, бугунги кунда баъзи дунё бозорларида салмоқли ўрин тузган фармацевтика фирмаларига жамоатчилик



дан ишлаб чиқариш тизимида, авваламбор тайёр махсулот сифати таъбир чикарувчи корхонанинг ички назоратидан ўтказиш йўли билан қафолатлини жорий этилган. Иккинчидан, «Ўзстандарт» Агентлиги то-

— Сифатсиз ва қалбаки дори воситаларини муомалага киришини олдини олиш, нафақат биргина вазирликнинг вазифаси, балки ўз ваколатлари доирасида бунга алоқадор тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидидаги ташкилотларнинг ўзлари ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларидандир.

2008 йил давомида режа ва режадан ташқари ўтказилган текширувлар давомида йўл қўйилган қонда бузарликларни учун 48 та ҳужжалик юритувчи субъектнинг иш ҳужжатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш кенгашига тақдим этилди.



тириш синовлари натижаларига кўра таъминлангандир. Россиянинг «Сотекс» фармфирмасида ишлаб чиқарилган «Милдронат» дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайд этилмаган ва тиб-

2009 йилнинг 1 чорраги давомида салбий ҳолатлар аниқланган ҳужжалик юри-

твчи субъектлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун 4 ҳолатда прокуратура органларига тақдим этилди ва жиноий жазо кўрилди, 2 та ҳужжалик юритувчи субъектларнинг фармцевтика фаолияти учун олган лицензияларининг амал қилиши тўхтатилган.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли, ўз тутуми бўлади. Қарашлар, шахсий тамойиллари эса киши ўзида йиллар давомида шакллантиради. Бундай одамни атрофдагилар ҳам ҳурмат қилади, у билан ҳисоблашади. Муштахкам ҳаётий позицияга эга бўлмаганлар эса жамиятда ўз ўрнини топиши қийин.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ОНГЛИ МУНОСАБАТ

Тошкент ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик жамиятининг Кучлик туманлараро филиалидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти, унинг етакчиси фаолияти билан танишганимда ана шу фикрлар бир-бир хаёлимдан ўтди.

Партияимизнинг ушбу қуйи ташкилоти ўрта Чирчиқ туманидаги 42 та бошланғич ташкилотнинг энг фаоллари сафидан жой олишида етакчининг ўрни беқийёс, албатта.

Корхонага келганимизда бу ерда иш жуда қизгин, барча ўз юмуши билан банд экан. Етакчи билан ҳам унинг асосий иш жараёнида суҳбатлашдик. Бахонада корхона фаолияти билан танишиб чиқишга ҳам имкон бўлди. Бошланғич ташкилот раиси, филиалнинг техника хавфсизлиги бўйича инженери Иззат Турсунов гапни бироз ўзоддан бошлади.

Ўзлимиздан, миллий руҳимиздан кеча олмайми ташкилоти, унинг етакчиси фаолияти билан танишганимда ана шу фикрлар бир-бир хаёлимдан ўтди.

Ушбу фикрларимни жамоаддошларимга ҳам хар доим айтаман. Улар ҳам секин сафимизга қўшила бошлашди. Ўн кишига етганимизда бошланғич ташкилот тузишга қарор қилдик. Мана, икки ойдири, кичик сиёсий куч сифатида фаолият олиб бораёямиз.

Партияимизга аъзо бўлиш истагида бўлганлар кўп. Тўғриси, уларни қабул қилишга шошилмаямиз. Яна бир бор ўйлаб кўриши, ҳақиқатдан ҳам қатъий қарорга келиши учун вақт бераёямиз.

Машиналарнинг оғирлигини ўлчайдиган катта тарози ёнига келганимизда филиал раҳбари Қоҳрамон Қобилов иш жараёни ўзи назорат қилаётган экан.

— Биз қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит етказиб берамиз, — дейди у. — Тошкент вилоятининг еттига туманига шу ердан ўғит берилади. Айни пайтда ўғитлаш ишлари бошлангани учун бизнинг ишимиз жуда қизгин. Махсулотни ўз вақтида етказиб бериш шарт. Чунки, хар бир экинни парваришнинг ўзига ҳос агротехник қондалари бор. Ўғит бериш бир кун кечикса ҳам бу ҳосилга жиддий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун юз кишилик жамоамизда ишни икки сменада ташкил этганимиз.

— Сиз ҳам ХДП аъзоси экансиз... — Ўн йил аввал шу партия сафига кирганман. Унинг гоёлари асосан оддий одамлар, рўзгорининг фаровонлиги ўз меҳна-



ти ёки оладиган маоши, нафакасига боғлиқ кишилар манфаатини химоя қилишга қаратилган айни мuddаодир. Ана шуларни ҳисобга олиб ходимларимизни ижтимоий муҳофазала қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратаёямиз. Дам олиш хонаси улар хизматиди. Ошхона фаолиятини йўлга қўйдик. Ишчи-ҳодимлар хар кунни бир марта иссиқ овқат билан таъминланади. Қишлоқ врачлик пункти билан келишувимизга асосан, хар ойда шифкорлар жамоанинг барча аъзосини тиббий кўриқдан ўтказди. Бошланғич ташкилот йил ишларида ишчиларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги, ижтимоий муҳофазаларини қучайтириш бўйича бир неча тақлифлар билдирилди. Филиал раҳбарияти эса уларни бирин-кетин амалга жорий этапти...

Корхонага ким билан суҳбатда бўлган, бу ерда ЎзХДП бошланғич ташкилоти ўз ўрни, тасвирига эга бўлиб бораётгани ҳақида гапирди. Шулардан келиб чиқиб бир хулосани айтиш мумкин: буларнинг барчасига етакчининг саъй-ҳаракати, сиёсий жараёнларга онгли муносабати ҳамда ҳамкасбларини ҳам шунга даъват этаётгани сабаб бўлмоқда.

Бехрод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.



«Умид ниҳоллари — 2009»



«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларини авваллари билан тақослайдиган бўлсак, илгари Тошкент шаҳри вакиллари билан бошқа вилоятлар спортчилари маҳорати ўртасида яққол тафовут борлиги сезилиб турарди. Аммо Гулистон спорт майдонларида кечган шиддатли баҳсларда аста-секин бу тафовут йўқолиб бораётганини кўпчилигининг диққат марказида бўлди. Қолаверса, аксарият спорт турлари бўйича яққол аутсайдер жамоалар ҳам кўзга ташланмади. Жумладан, футбол бўйича ўтказилган жами 14 ўйиннинг олтитасида дуранг натижа кайд этилиб, уларда голиблар номи пенальтилар сериясида аниқланганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлаб турибди. Мисол учун, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг амал-

даги голиби — Қашқадарё вилояти 6ш футболчиларининг дастлабки босқичдаёқ фарғоналик тенгдошларига имкониятни бой берилгани ёки пойтахтликларнинг кучли учликдан ҳам жой ололмаганиликлари қутилмаган воқеа сифатида эътироф этилди. Якунда финалда Андижон вилояти жамоасини мағлубиятга учратган наманганлик футболчилар бош совринга сазовор бўлишди. Фарғоналиклар эса фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

— Гулистонга фақат голибликни кўзлаб келгандик, — дейди Қашқадарё вилояти футболчиси, 8-синф ўқувчиси Марадона Сафаров. — Аммо доим ҳам ўйлаганларинг амалга ошармас экан. Чорак финалда фарғоналиклар билан ўтган ўйинда 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаб, пенальтилар бўйича енгилдик. Лекин бундан ранжиганимиз йўқ.

Бу — спорт, баъзан кўп нарса омадга боғлиқ бўлиб қолади. Энг муҳими, «Умид ниҳоллари-2009» мусобақаларидан катта таассуротлар олдим. Кўплаб янги дўстлар орттирганимдан хурсандман.

вилояти вакиллари катта устунлик билан енгилди, полвонлар юрти саналган Сурхондарё курашчиларининг совриндорлар қаторидан жой ололмаганиликлари юртимизда спорт оммавийлиги тобора ошиб бо-

минглаб ёшлар тўлдирди. Майдонга «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларининг барча голиби ва совриндорлари кириб келади. Ниҳоят, энг ҳаяжонли дақиқалар — голиб жамоалар-



ларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари катнашчиларига йўлаган табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомобибли тақдим этилди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сирдарё вилояти ўқувчи-ёшларига «Дамас» автомобибли берилди. Учинчи ўрин эса Хоразм вилояти терма жамоасига насиб этди ва улар ҳам «Дамас» автомобибли билан тақдирландилар.

Шунингдек, тантанали ёпилиш маросимида спорт турлари бўйича «Ғалабага бўлган иродаси учун», «Энг ёш иштирокчи», «Энг кучли ҳужумчи», «Энг чиройли партияси учун» сингари кўплаб номинациялар бўйича ҳам голиблар номи эълон қилинди. Улар компьютер ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар...

Стадион узра дилларга ўзгача шукўқ бағишловчи мусика янгради. Мусобақа давомида хилпайиб турган «Умид ниҳоллари-2009» спорт ўйинлари байроғи туширилади. Сирдарёлик ёшлар эстафетани 2012 йилда ўтказиладиган навбатдаги мусобақалар мезбони — Навоий вилояти вакилларига топширишди. «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими таниқли санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари билан ниҳоясига етди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Э.Зоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов иштирок этди.

**Эркин ХОЛБОБОВ,**  
**Мунаввар ПАРДАЕВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбирлари.**  
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

«КИЧИК ОЛИМПИАДА»НИНГ  
КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ



Юкоридагидек натижаларни бошқа спорт турлари бўйича ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, доимо кучлилар қаторида тилга олинадиган жазззахлик олимпболчи қизларнинг Тошкент раётганлигидан дарак беради.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими. Гулистондаги «Ёшлик» марказий стадионини яна ни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида энг кўп медалга очко жамғарган Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Голиб-

Баркамол авлод орзуси

«ЭНГ ЯХШИ...  
ЛАРДАН БИРИ»

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ташкил этилганига беш йил бўлапти. Ҳозир таълим даргоҳида 1140 нафар йигит-қизга 102 нафар ўқитувчи-мураббий тўртта йўналиш — иқтисодиёт, хорижий филология, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар бўйича таълим-тарбия

бериб келмоқда. Ўқув муассасаси замонавий ўқув хизматлари билан таъминланган. Физика, кимё, биология лабораториялари, 3 та компьютер ва 4 та лингфон хоналари ҳамда барча қулайликларга эга 3 та спорт зали, 200 ўринли ётоқхоналар ўқувчилар ихтиёридадир. — Ахборот-ресурс маркази турли ўқув ва бади-

ий адабиётлар билан таъминланган. Республика ва вилоят газета-журналларига обуна бўлганмиз, — дейди лицейнинг маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Содик Назаров. — Шу босидан, «Энг яхши ахборот-ресурс маркази» Республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши ки-

тобхон» вилоят кўрик-танловида ҳам лицейимиз голибликни қўлга киритди. Германия, Франция, Япония ҳамда Россия давлатлари таълим муассасалари билан тажриба алмашиб келмоқдамиз. Ўз навбатида, хорижлик мутахассислар ҳам мамлакатимизда бўлиб, таълим соҳасида олиб бораётган ишларимизга юқори баҳо беришмоқда.

Дарҳақиқат, бу таълим даргоҳи ва талабалари вилоят ҳамда республика миқёсида кўп соҳаларда энг яхши деб тан олинми келинмоқда. Испанияда

бўлиб ўтган математика олимпиадасида эса Д.Солиева бронза медали билан тақдирланган. Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари фан олимпиадаларида лицейнинг уч нафар ўқувчиси совриндор бўлди. Спорт мусобақаларида ҳам лицей жамоалари муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Булар ҳаммаси — яратилган шароит ва тажрибали ўқитувчилар меҳнати самарасидир. **Тоштин ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Суратларда: академик лицей ҳаётидан лавҳалар.**



Ҳолат

МУЗЕЙДАГИ ЎҒИРЛИК

ёки 29 дона осори-атиқанинг 24 донаси изсиз кетгани хусусида

2007 йил 12 декабрь куни Урганч шаҳар мактабларида таълим олаётган тўрт нафар ўқувчи «Авесто» мажмуасида жойлашган жамоатчилик музейига ўғирликка тушди. Шаҳар ИИБ ходимлари ўғирлик содир қилганларни аниқлашда ва «Жиноий иш» очилди.

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди ҳукми билан 1993 йилда турилган Давронбек Хусайнов юқоридаги жиноятни содир этганликда айбдор деб тодилар. Қолган уч шериги воёга етмаган гувоҳ сифатида иштирок этган.

Музейдан жами 240 минг сўмлик 29 дона мисдан ясалган буюмлар ўғирланган. Аслида XIX-XII асрларга тааллуқли бўлган тарихий қийматга эга ноёб буюмларни пулга қақшининг ўзи галати. Негаки, музей экспонати қадрият. Қадрият эса бебаҳодир.

Судда баъзи гувоҳлар музейдан фақат 14 дона мис буюмлар ўғирланганини айтса, бошқаси «улар сони 5 та эди» дей-

ди. Хуллас, суд ҳукмидан сўнг даввогар — музей ходими Комил Нуржоновга ИИБда сақланаётган жами 5 та буюм қайтарилди.

Суд Д.Хусайновдан даввогарга етказилган зарарни қоплаш учун яна 130 минг сўм ундиришни маъқул топади.

Ҳақли савол туғилади: музейдан гувоҳлар айтмоқчи 14 та осори-атиқа ўғирланиб, улардан фақат беш донаси қайтарилган экан, қолган 9 дона буюм қайда? Аслида «Айблов хулосаси»да улар сони 29 дан бири экани ҳақида гап борганини эслатиб ўтамиз.

Музейдан жами 240 минг сўмлик 29 дона мисдан ясалган буюмлар ўғирланган. Аслида XIX-XII асрларга тааллуқли бўлган тарихий қийматга эга ноёб буюмларни пулга қақшининг ўзи галати. Негаки, музей экспонати қадрият. Қадрият эса бебаҳодир.

Комилжон Нуржонов музейга бир ой ичида кетма-кет икки марта ўғирликка киришгани, жами баҳоси 775 минг сўмлик буюмлар олиб кетилгани ҳақида кўрғазма берган. Бир ҳолатда ўғирлар топилибди, айтилган нарсаларнинг 3 дан бири қайтарилди ҳам. Лекин иккинчи ҳолатдаги ўғирлик қачон ошкор қилинади? Ўғирланган буюмларни топиб

Шу ўринда битта муаммони айтиб ўтиш жоиз. Музейда фақат уч киши ишлаяпти. Бу ерда сигналзация ўрнатилган, на қоровул бор. Бу ҳақда К.Нуржонов тегишли ташкилотларга қатор хатлар ёзган. Лекин хавфсизлик чоралари ҳали-ҳамон қўрилгани йўқ.

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Газетада босилмади,  
аммо...

МАСАЛА ҲАЛ БЎЛДИ,  
НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Боевум тумани, «Умрзоқобод» маҳалласида яшовчи фуқаро М.Бўриеванинг 11-мактабгача таълим муассасасида мудирнинг йўқлиги, боғча биносининг таъмирталаблиги, тарбия ва таъминот ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳақида тахририятга ёзган хати вилоят мутасаддиларига юборилган эди. Яқинда туман халқ таълими бўлиmidан жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади.

«Мактабгача таълим муассасаси 1978 йилда қурилган бўлиб, 90 ўринга эга. Муассасанинг собиқ мудирасидан сўнг мазкур муассасага мудира тайинлашда анча муаммолар бўлди. Шу сабабдан қўшни «Олмаҳон» номи 5-мактабгача таълим муассасасининг мудираси Ў.Кенжаевага вақтинча мудирлик вазифасини бажариш юклатилган эди. Шундан сўнг кадр масаласини ҳал қилишга киришилди. Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи билан мактабгача таълим муассасасига Гулистон шаҳридаги 1-Педагогика коллежда ўқитувчилик қилиб келаётган олий маълумотли мутахассис Ҳайдарова Сайёра мудира этиб тайинланди.

Ҳозир муассасада ўқув-тарбиявий ишлари анча яхшилانган. Гуруҳларда таълим муҳитини ривожлантириш учун ўйин бурчаклари, шугулланиш марказлари ташкил этилиб, замонавий қилиб безатилиб, турли машғулотлар уюштирилмоқда. Муассасанинг моддий-техник базасини бойитиш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда. Боғча биносини жорий таъмирлашга «Виктория-Регия» фермер ҳўжалиги ҳомий этиб белгиланди.

Туман молия бўлими томонидан САНПИН меъёрлари асосида 24 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш бўйича керакли чора-тадбирлар белгиланди. Таълим-тарбия ишлари самардорлигини ошириш ва тарбиячиларга методик ёрдам уюштириш ишлари туман халқ таълими бўлими услубчиси Г.Ҳолиқуловага юклатилди. Таълим-тарбия ишларини янада яхши йўлга қўйилишини туман халқ таълими бўлими ўз назоратига олади.

**Боевум туман халқ таълими бўлими мудирни К.ИСМОИЛОВ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ИСФАЙРАМ — ШОҲИМАРДОН»  
ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ  
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Объект номи:**  
«Сирдарё — Сўх Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли «Исфайрам — Шоҳимардон» ирригация тизими бошқармасининг Фарғона туманидаги Марғалонсойни табиий офатдан кейин таъмирлаш ва тиклаш ишлари» ҚМИга.

**Муддати** — 01.04.2010 йил.  
**Бошланғич нархи** — 319337,501 минг сўм ҚҚСез ва 383205,001 минг сўм ҚҚС билан.  
**Буюртмачи:** «Исфайрам — Шоҳимардон» ирригация тизими бошқармаси.  
**Мавзиви:** Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 310-уй, тел. 226-23-04.  
**Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджетни маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар кўйидаги шартларга мис келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тахрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда, уларнинг танлов тақдирларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларида муроғат импорт қилувчи қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақдирлари катнашчилари-

нинг танлов тақдирларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Савдода катнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрновнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:  
**Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-74-20.**  
**Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 60 000 сўм.**

Тақдирлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.  
Тақдирлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Table with columns: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla Oripov, Latif G'ulomov, Asiddin Rustamov, Bobir Alimov, Sharbat Abdullayeva, Murodulla Abdullayev, Ulug'bek Mustafayev, Ta'yana Kistanova, G'afhor Hotamov, Muslihidin Muhiddinov, Svetlana Gerasimova, Andrey Kustov, Ochilboy Ramatov, Saidahmad Rahimov; MUASSIS: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy; e-mail: info@uzbekistonovozi.uz; Navbatchi: Bardambek Sa'dullayev; Gazeta O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon Tung'atov; Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta sahifasi, paxshaba va shabsha kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi-materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. G - 449; 13111 nusxada bosildi; t - Tjorat materiallari; ISSN 2010-7633; O'zA yakuni - 22.50; Topshirilgan vaqti - 00.15; 1 2 3 4 5 6 7 8; Soluvda erkin narxda